МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

# ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГИЗ...

**Бу йил баҳор ҳавоси одатдагидан паст келди. Оқибатда областимизнинг кўпгина хўжаликлари қатори Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз далаларида ҳам эртаги экилган карам, сабзи ва картошка сингари сабзавотларнинг кўп қисмини совуқ уриб кетган эди. Жамоатчи мухбиримиз М. Туробов колхоз бош агрономи Турғунбой МАҲМУДОВ билан учрашиб, ундан табиий офат келтирган зарарнинг ўрнини қоплаш учун хўжаликда амалга оширилган ишлар тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.**

— БУ ЙИЛГИ қишнинг охирларида илиқ-иссиқ кунлар кўп бўлганидан фойдаланиб, 20 январдан колхозимиз далаларига карам экишни бошлаган, 20 мартгача планда белгиланган 30 гектар майдонга плёнка остига, 10 гектарли очиқ майдонга карам кўчати ўтқазилганди. Лекин кутилмаганда, баҳорнинг совуқ келиши оқибатида очиқ ерга экилган карам кўчатларининг деярли 70 проценти зарарланди. Қолган 30 процент майдондаги ниҳолларнинг ўсиши, ривожи ҳам суст эди. Бинобарин, ана шу табиий офат келтирган зарарни бартараф этиш мақсадида совуқ урган ниҳоллар ораларига қўшимча карам кўчатлари экиб чиқдик, яхшилаб суғордик.

Деярли ҳар куни қиров тушиб, кечаси ҳавонинг совуқ бўлиши ишимизни анча қийинлаштирди. Агар шаҳарда 1—2 даража иссиқ бўлса, бизнинг шароитимизда ҳаво 1—2 даража совуқ бўлади. Шунинг учун ҳамиша омилкорлик билан иш кўришга тўғри келади.

Ҳозирги кунда плёнка остига экилган карамларнинг ҳосили яхши. Ўз вақтида сув қуйиб, барча агротехника тадбирларини расамади билан қўлланиб турибмиз. Ишни шу тарзда давом эттириб, пишиб-етилган карам ҳосилини узиб, шаҳарликлар дастурхонига етказиб беришни мўлжаллаб турибмиз.

Биз ўтган йили сабзи-пиёз уруғларини кузда «тўқсон босди» қилиб сепиб қўйган эдик. Агар ҳаво совиб кетмаганда эди, ҳозир униб чиққан сабзи ниҳоллари етилиб қолган бўларди. Лекин бўш келмаяпмиз. Колхозимиздаги кекса, тажрибали деҳқонлар, район агросаноат бирлашмаси мутахассислари билан маслаҳатлашиб, 18 гектар ерга қайтадан сабзи экишга қарор қилдик ва бу иш ўз вақтида ниҳоясига етказилди.

Март ойи ичида 120 гектар ерга картошка экиб қўйгандик. Плёнка остидаги уч гектарга совуқ қисман таъсир этди, очиқ майдонлардаги картошка эса кечроқ униб чиқди. Плёнка остида етиштирилаётган картошка ниҳолларини чопиқ қилиб, культивациядан чиқариб, парваришлаяпмиз.

Бу йил 93 гектар майдонда помидор етиштириш кўзда тутилган. Шу майдоннинг тенг ярмига кўчатларни ўтқазишда махсус агрегатлардан фойдаланамиз.

115 гектар ерда эски бедамиз бор. Шу ўринда мен баъзи касбдошларимизнинг «ерда нам бор, бедани суғориш шарт эмас», деган фикрларига қўшилмаслигимни айтиб ўтмоқчиман. Рож, рапс ва бошқа оралиқ экинлари сингари бедани ҳам барвақт озиқлантириб суғориш даркор. Биз ҳар гектар беда майдонига 150 килограммдан азотли ўғит сепдик. Сўнг сув қуйдик. 35 гектардаги янги бедамиз эса ер намига униб чиқди.

Ўтган йил кузидан бошлаб саккизта далачилик бригадамизда парник-теплица хўжаликларидан ташқари, енгил типдаги плёнкали иссиқхона барпо этганмиз. Ҳар бири 10—15 сотих саҳнли бундай иссиқхоналарда укроп, кашнич, петрушка, сельдери, салат каби ошкўклар ўстирмоқдамиз. Бу чайласимон иссиқхоналарга совуқ таъсир қилмади. Агар кучли совуқ бўлса, чайла ичидаги экинлар устига плёнка қопланарди. Ишни ана шу тарзда ташкил этганлигимиз туфайли ҳозиргача шаҳарликлар дастурхонига кўплаб укроп, кўк пиёз, редиска тортиқ қилдик.

Кунлар исиб, деҳқонларимизнинг ишлари юришиб кетди. СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган колхозчиларимиз бу йил давлатга 1500 тоннадан зиёд картошка, шунингдек 7000 тонна сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар.

# ҚИТЪАЛАР ОВОЗИ

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ · Тошкент-86

**Шу йилнинг 20—30 май кунлари республикамиз пойтахти — Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг навбатдаги IX халқаро кинофестивали бўлади. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтказиладиган бу анъанавий фестиваль чинакам санъат байрамига айланишига шубҳа йўқ. Мазкур кинофорум арафасида мухбиримиз У. Абдушоҳидов Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитетининг раиси, кинофестиваль бош директори А. О. ТЎРАЕВ билан суҳбатлашди.**

— **Азиз Опоқович, аввало, жаҳон экран санъатининг бугунги равнақида Тошкент кинофестивали қандай роль ўйнаётгани ҳақида фикрингизни билмоқчимиз.**

— Кинематографияни чин дилдан севган киши турли мамлакатларда яратилган фильмларни кузатиб бораркан, улар орасида кескин фарқлар борлигини сезмай иложи йўқ. Умумжаҳон кино оламида зўравонлик, беҳаёлик, эртанги кунга нисбатан умидсизлик ташвиқ этилаётган картиналар ҳам талайгина. Уларни пул кетидан қувган, кинематографияни молиявий бизнес воситаси қилиб олганларгина яратмоқда. Бироқ бунга зарба бериб, ижод қилаётган тараққийпарвар, ғоявий баркамол санъаткорлар жаҳон аҳлини ташвишга солаётган актуал масалаларни экран орқали дадил кўтариб чиқмоқдалар. Кино санъатидаги бу йўналиш Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари киносида мустаҳкам қарор топиб бормоқда.

Уч қитъа кино санъати вакилларининг ижодини ўзида акс эттирувчи Тошкент фестивалида инсонни, унинг маънавий оламини тараннум этувчи фильмларга алоҳида эътибор берилади. Ирқчилар идеологиясини ташвиқ этадиган, бир миллат мавқеини ерга уриб бошқа миллатни кўкка кўтарадиган, ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатадиган фильмларга ўрин йўқ. Бу халқаро йиғин бошқа кинофестиваллардан ўзининг ана шу олижаноб мақсади, шиори, демократик руҳи, иштирокчиларининг кўплиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда ер куррасидаги кўпгина мамлакатлар кинематографиясида социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуини ўзида акс эттираётган фильмларнинг кўп яратилаётганлигида Тошкент кинофестивалининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Энг муҳими, Тошкент форуми қайси қитъада яшаши, қайси тилда сўзлашуви, ранги ва миллатидан қатъий назар, барча халқларни тенг кўриб, уларни дўстлаштиради, халқлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

— **Тошкент кинофестивалининг муҳим жиҳатларидан яна бири — «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда киноннинг роли» деган мавзуда ўтказиладиган мунозарадир. Шундай эмасми?**

— Ҳа, албатта. Киносанъаткорлар ўзига хос бу кўрикка ўз ижодий ишларини кўрсатиш учунгина эмас, бугунги кундаги кино тараққиёти, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари киноси тенденциялари хусусида фикр алмашиш мақсадида ҳам қатнашадилар.

*Бизнинг суҳбат*

Уч қитъанинг таниқли режиссёрлари, кино танқидчилари ва давлат арбоблари барча тараққийпарвар санъаткорларни қизиқтирган масалалар — ўз озодлиги ва келажаги учун курашаётган халқларга ёрдам бериш учун бугунги экран асарлари қандай бўлиши лозимлиги, мазкур мамлакатларда миллий кинематографияни тараққий эттириш муаммолари, кино санъатидаги мавжуд прогрессив тенденцияларни мустаҳкамлаш борасида суҳбатлашадилар. Бу ғоят фойдали мунозаралар жаҳон кино санъати тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.

— **Навбатдаги фестивалнинг программаси ҳақида нима дея оласиз?**

— Сўнгги ўн саккиз йил ичида тўққизинчи марта ўтказилаётган фестиваль Бош дирекцияси ўз ишини Ташкилий комитет томонидан пухта ўйлаб тузилган ва маданий тадбирларнинг барча жабҳалари ҳисобга олинган мукаммал план асосида ташкил этаётир.

Кино санъати намояндалари халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиб, совет турмуш тарзининг афзалликларини ўз кўзлари билан кўрадилар. Фестиваль қатнашчилари учун республикамиз областлари бўйлаб саёҳатлар, меҳнат коллективлари билан учрашувлар ташкил этилади. Меҳмонлар Тошкент области хўжаликлари ва саноат корхоналарида ҳам бўлишади. Фестиваль фильмлари пойтахтимизнинг кинотеатрларида кенг намойиш қилинади.

Фестиваль кунларида кўрсатиш учун Тинчлик йилига бағишланган фильмларнинг махсус программаси тайёрланмоқда. Кино бозори ишлаб туради. «Совет турмуш тарзи» мавзуида тасвирий санъат кўргазмаси ҳам ташкил қилинади. Тошкентдаги кинотеатрлардан бирида «Ўзбекфильм» студияси олтмиш йил мобайнида яратган фильмлар кўрсатилади.

— **Республикамиз кинематографчиларининг бу сафарги фестивалга қандай ҳозирлик кўрганликлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Аввало шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, кинематографчиларимиз мазкур халқаро кинофорумга алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар. Бир неча йиллар давомида суратга олинган «Оловли йўллар» кўп серияли бадиий фильмни кўрсатиб ўтмоқчиман. Томошабинлар бу асарни катта қизиқиш билан қарши олдилар. Лейпциг ҳамда Испаниянинг Бильбао шаҳрида ўтказилган халқаро кинофестиваллар совриндори бўлмиш «Майин ёмғир ёғади» мультипликацион картинаси ҳам киномухлисларга жуда манзур бўлган. «Алвидо, ғўр ёшлигим», «Лейтенант Некрасовнинг хатоси», «Қиз узатиб борганда», «Орзулар оғушида» каби бадиий картиналарни ҳам икки фестиваль оралиғида яратилган энг яхши асарлар қаторига киритиш мумкин.

— **Сўнгги савол. Фестивалнинг бўлғуси қатнашчилари ва меҳмонларига истагингиз?**

— Тошкент фестивали юксак инсонпарварлик ғояларини қарор топтириш учун курашда қудратли қурол сифатида хизмат қилади. Бу йилги фестиваль ҳам бутун ер юзи санъаткорлари ўзларининг бутун истеъдодлари, куч-ғайратларини тинчликни ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдек олижаноб ишга бағишлашга интилаётганликларини яна бир бор намойиш қилиши лозим.

Уч қитъа кино санъаткорларининг янги дийдор кўришуви буюк ғоялар, тараққиёт ва халқлар озодлиги тантанаси учун хизмат қилувчи яна бир муҳим омил бўлиб қолишини истардим.

# ҲОМТОКНИ ВАҚТИДА ЎТКАЗИНГ

ШУ КУНЛАРДА боғ ва узумзорларда олиб борилаётган ишлар мўл ҳосилга замин ҳозирлайди. Айни дамларда нам етарли бўлгани учун токларнинг янги новдалари тез ўсиб, кўпаймоқда. Шўра хомток ўтказиш даври яқинлашиб қолди. Агар қайси узум навларида шўралар тўлиқ бўлса кечиктирмасдан ишни бошлаш лозим. Ҳомток даврида ток тупидаги кераксиз новдалар, синган, қуриган, совуқ урган эски занглар қўл арра ёки ток қайчи ёрдамида олиб ташланади. Ток туплари обдон тозалангандан кейин қолдирилган ҳосилли ва ҳосилсиз новдалар бағазларга кўтарилиб, нам чипталар билан саккиз симон қилиб боғланади.

Новдаларни симларга сиқиб боғламаслик керак. Акс ҳолда ўсаётгани шикастланиши мумкин. Ҳаддан ташқари бўш боғланса, кучлироқ шамол таъсирида чайқалиб синиб кетиши ҳам тажрибада кузатилган. Шўра хомтокдан кейин гектарига 15—20 килограммгача олтингугурт порошоги сарфланиб кул касаллигига қарши махсус пуркагич ёрдамида бир текис сепишни ҳам унутмаслик керак. Бу тадбирлар амалга оширилгач, ток кўк новдаларидаги шўралар тез ривожланади, барглари ҳам йириклашади. Кундасидаги куртаклардан соғлом, бақувват новдалар ўсиб чиқа бошлайди. Уларнинг қишда кўмиш учун қулай бўлган турли жойлардагисидан 3—4 тасини қолдириб бошқалари олиб ташланади. Ҳар гектар токзорга 100 килограмм азот, 2,5 — 3 тонна чириган маҳаллий ўғит аралашмаси солиб озиқлантириш тавсия этилади. Омихта ўғит қатор ораларига 14—15 сантиметр чуқурликда бир текис тушиши керак. Бу унумдорликни оширади. Ерда яшовчи микроорганизмлар сони кўпайиб уларнинг фаолияти бирмунча активлашади. Тўпланган нам узоқ сақланади.

Навбатдаги иш токларга жилдиратиб сув қуйишдан бошланади. Ер етилиши билан тупроқ қатламларида намни сақлаб қолиш учун суғориш ариқлари пешма-пеш 12—14 сантиметр чуқурликда юмшатилади.

Токлар тўлиқ гулдан чиқиб, ғўралари мошдек бўлганида навбатдаги — ғўра хом ток ўтказиш яхши натижа беради. Бунда новдалар барг қўлтиғидаги куртаклардан ўсиб чиққан майда, узунлиги 20—25 сантиметрга етган бачкилар қўлда олиб ташланади. Сўнг юқорироқдан иккинчи маротаба намланган чипталар билан боғланади. Бу агротехника тадбирини ҳеч вақт кечиктириб юбормаслик лозим. Акс ҳолда кўк новдалар ёғочлашиб қолса уларни қўлда олиб ташлаш қийинлашади. Бундай вақтларда ток қайчи ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Кишмиш узум навларига биостимулятор — гиббереллин моддаси билан ишлов берилганда ҳосил миқдори 40—50 процентга ошади. Бунда ғужумларнинг йириклашиши икки марта тезлашади. Бир грамм препаратни 10 литр сувда эритиб оқ кишмиш, қора кишмиш, кишмиш Хисрав каби уруғсиз токлар гуллаган ёки гуллаб бўлгандан кейин 4—5 кун ўтказиб эрталаб ва кечки салқинда ғўраларга «автомакс» қўл пуркагичи ёрдамида сепилади (бир гектар токзор учун 40—50 грамм гиббереллин кифоя).

Препарат фақат сепилган ернинг ўзига кучли таъсир қилиб узум доналарини йириклаштиради. Гиббереллин сепиладиган токзорларга албатта шарбат суви бериб, озиқлантирилиши лозим.

Ер қатламларидаги озуқа моддаларини ҳамда намни етарли бўлишини таъминлаш зарур. Акс ҳолда токнинг ўсиши сустлашади ва келгусида ҳосилдан аста-секин қола бошлайди. Буни соҳибкорлар эсдан чиқармасликлари керак. Лалми токзорларда нам кам бўлиши туфайли кишмиш навларини ана шундай препарат билан ишлаш тавсия этилмайди.

Янги экилган ток қатор ораларидаги бўш ерларга туплардан 30—40 сантиметр қочириб эртаки ва ўртаки сабзавот экинлари экилса самараси кўнгилдагидек бўлади. Шундай қилинганда ёш кўчатлар қўшимча суғорилади. Озиқлантирилади ва парваришланади. Натижада ток тез ҳосилга киради.

**М. СОБИРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

# КОМПЬЮТЕР-ЎҚИТУВЧИ

ҲОЗИРГИ вақтда ЭҲМларнинг одам фаолиятининг ёрдамчиси сифатида тадбиқ этилмайдиган соҳаси қолмади ҳисоб. Чунки компьютерлар космик кемаларнинг ҳаракатини бошқариш, мураккаб технологик жараёнларни назорат қилиш, ишлаб чиқаришни планлаштириш билан биргаликда шахмат ўйнаш, расм ва лойиҳалар чизиш ҳамда куй басталаш имкониятларига эгадир.

Компьютер ўқитувчилик касбини эгаллай оладими? Бир томондан қараганда, бу касб фақат одамга хос ҳунардир, чунки ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчига фақат бирор предметни ўқитишгина эмас, балки тарбиялашдан яъни яхшилик, тартиб-интизом, гўзаллик ва садоқат каби хусусиятларни шакллантириш ва ўргатишдан иборатдир! Иккинчи томондан, таълим беришдаги кўпгина оғир вазифаларни ЭҲМлар зиммасига юклаш мумкин.

Газетхонда «Хўш, компьютер қандай қилиб ўқита олади?» деган савол туғилиши, табиий. Ҳозирги замон ЭҲМларининг хотираси сиғими зарурий ўқув материалини сақлаб туриш имконини беради. Бу материаллар керакли маълумотларни ўз ичида сақлайдиган текстлардан, зарур ўқув ёки методик қўлланмалар рўйхатидан, таърифлар, теоремалар ва масалаларни берилиши билан уларни ечиш алгоритмларидан ташкил топади. Лекин ўқитиш учун материалларни ЭҲМ хотирасида сақлашнинг ўзи кифоя қилмайди, балки ундан фойдаланганда, зарур маълумотларни тезлик ва хатосиз тақдим этиши ва ўқувчининг жавобларини назорат қилган ҳолда, мустақил равишда навбатдаги вазифаларни белгилай олиши даркор. Автоматлаштирилган ўқитувчи системалар (АЎС) деб аталувчи қурилмалар ана шу хусусиятларни ўзларида мужассамлаштирган.

Ўқитувчи система билан алоқа қилиш диалог яъни бевосита мулоқотда бўлиш шаклида амалга оширилади. Диалог компьютернинг предмет темалари рўйхатини («меню»ни) таклиф қилишидан бошланади. Ўқувчи ўзи хоҳлаган темага мос келувчи номерли клавишни босиши билан дисплей экранида ўқув материалининг биринчи «порция»си пайдо бўлади. Ўқитиш жараёнида ЭҲМ текшириш учун масалалар, тема бўйича қўшимча саволлар ҳам тақдим қилади. Жавоблар эса қайта ишланиб, улар тўғри бўлганларида система кейинги қисмдаги темаларга ўтишга рухсат беради. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, компьютер оддий ўқитувчидан фарқли равишда арзимаган кичик хатони ҳам ўтказиб юбормайди. Бундан ташқари, система ўқитиш жараёни давомидаги маълумотларни йиғиб боради. Мазкур маълумотлардан ўқитувчи ўқувчининг у ёки бу темани қандай ўзлаштирганини билиб олиши мумкин. АЎСси билан ишлаш ўқувчи учун ўйинга ўхшаш туюлгани билан бу «ўйинда» фақат инсон ютади, чунки унинг натижаси — билимдир.

*Мактаб ислоҳоти — умумхалқ иши*

Хўш, ўқувчиларни яқин келажакда бу соҳада нималар кутади? Новосибирсклик бир группа олимлар «Школьница» системасини яратишди. Система мактаб предметлари тематикасига оид амалий программалар пакетларини ўз ичига олади. Унда тренажерлар ҳам мавжуд, улар ёрдамида ЭҲМда ишлашни программалаш курсини ўрганиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг билим даражаларини текширувчи программалар ҳам бор. Ушбу система «Агат» якка компьютери учун мўлжалланган. Лекин уни бошқа турдаги ЭҲМларга ҳам ўтказиш имконияти бор.

АЎСни яратиш мураккаб масалалардан ҳисобланади, чунки ўқитишни шундай ташкил қилиш керакки, у қизиқарли ва хатосиз бўлсин, ўқувчиларнинг стандарт бўлмаган нозик саволлари «электрон ўқитувчини» оғир аҳволга солиб қўймаслиги даркор.

Ҳозирда республикамизнинг бир неча олий ўқув юртларида, хусусан, ТошДУ ва Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида АЎСлари яратиш устида иш олиб борилмоқда. Аммо бу ишга тегишли ҳисоблаш техникасига эга бўлган барча олий ўқув юртлари жадалроқ киришсалар мактаб ислоҳотини амалга оширишда кўрсатиладиган ёрдам кучайган бўлар эди.

КПСС XXVII съездининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорида «Ўқув жараёнига информатика ва электрон-ҳисоблаш техникаси активроқ жорий этилсин», дейилади. АЎСларни яратиш ва ўқув жараёнида қўллаш ана шу йўналишдаги асосий тадбирларнинг биридир.

**Т. АЗЛАРОВ.**

# Халқаро ҳаёт

## ЧЕХ ТИЛИДА

ПРАГА, 28 апрель. (ТАСС). «Свобода» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг танланган нутқлари ва баёнотлари тўпламини чех тилида босиб чиқарди. Тўплам КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумидан то шу йил январь ойининг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади.

ЧКП Марказий Комитетининг органи «Руде право» газетаси тўплам чиқарилганлигини хабар қилиб, китоб «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жўшқин ижодий фаолияти тўғрисида ҳар томонлама чуқур тасаввур беради, партиянинг совет жамияти ҳаёти барча томонларини такомиллаштириш соҳасидаги хилма-хил ишини ифода этади», деб таъкидлайди.

КПСС кенг жамоатчиликнинг актив мадади билан яқин беш йилга ва аср охиригача мўлжалланган иқтисодий стратегия ва социал сиёсатни ишлаб чиқди, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларини амалга оширмоқда, деб ёзади «Руде право» газетаси. Тўплам материаллари КПСС, Совет давлати тинчликни сақлаб қолишга, ядро уруши хавфини бартараф этишга муттасил интилиб келаётганлигидан яққол далолат беради.

## МУЗОКАРАЛАРНИНГ ИККИНЧИ ДАВРАСИ

ЖЕНЕВА, 28 апрель. (ТАСС). Бу ерда СССР ва АҚШ делегациялари химиявий қуролни тақиқлаш масалалари хусусида икки томонлама фикрлашиб олишнинг иккинчи даврасини ниҳоясига етказдилар. Совет делегацияси мана шу давра давомида СССРнинг мазкур масала хусусидаги янги таклифларини тушунтириб берди. Бу таклифлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Берлинда ГБСП XI съездида сўзлаган нутқида олға сурилган эди.

## ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

**Қардош социалистик мамлакатларнинг газеталари, жаҳон прогрессив матбуоти Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Софияда тугаган сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этмоқда. Шарҳларда таъкидлаб ўтилаётганидек, сессия қатнашчилари ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда босиб ўтилган йилга танқидий баҳо бериб, ҳамкорликнинг янги форма ва методларини қидириб топишни активлаштиришга, омма ўртасида кенг кўламдаги ишларни авж олдириб юборишга ва янги кучлар билан олға томон ҳаракат қилишга азму-қарор берганликларини изҳор этдилар.**

● Сессияда қабул қилинган сиёсий декларация деб уқтиради Болгариянинг «Работническо дело» газетаси, шу аср охиригача ядро қуролини тугатиш учун курашга, ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳамда космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтириш ва давлатлар ҳамда халқлар ўртасида кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик жараёнига қайтиш учун кенг кўламдаги кампанияни авж олдириб юборишга қаратилгандир.

◆ Чехословакиянинг «Руде право» газетаси жаҳон тинчлик кенгаши сессиясининг тинчликсевар кучларнинг регионал можароларни тугатиш, кенг оммани империалистик агрессия ҳуружларига зарба беришга сафарбар этиш йўлида олиб бораётган курашига катта эътибор бериш зарурлиги тўғрисидаги қарорига диққат-эътиборни жалб қилади. АҚШнинг яқинда Ливияга ваҳшийларча қилган ҳужуми ана шундай империалистик агрессия ҳуружининг намунаси бўлди.

● Чет эл матбуоти Американинг Ливияга қарши агрессияси сабабли НАТО ичида жиддий ихтилофлар мавжудлигининг янги далилларини келтирмоқда. Лондонда чиқадиган «Гардиан» газетаси НАТО бош секретари Лорд Каррингтоннинг Би-Би-Си мухбири билан қилган суҳбатини шарҳлаб, у Атлантика иттифоқидаги аҳволга «мен бундан нохуш аҳволни эслай олмайман» деб айтган гапини алоҳида кўрсатиб ўтади. Американинг Ливияга ҳужуми АҚШ билан Ғарбий Европадаги кўпчилик иттифоқчилар ўртасидаги ихтилофларнинг сабабидир, бу ҳужум «ҳеч нарсани ҳал қилмади», деди Каррингтон. Англиянинг «Таймс» газетаси Грециянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятининг Ливияга қарши иқтисодий жазо чораларини жорий этиш тўғрисидаги қарорига бўйсунишдан бош тортганлиги муносабати билан АҚШ ва НАТОдагилар жуда ташвишланаётганликлари тўғрисида ёзади.

Бироқ «Гардиан» газетасининг хабар қилишича, Вашингтон Ливия раҳбари Каддафини ҳамон «четлаштириш» режасини тузмоқда ва президент Рейганнинг маслаҳатчилари еттита асосий капиталистик мамлакат раҳбарларининг бўлажак кенгашида АҚШ ўз шерикларининг Ливияга қарши яна қилинадиган ҳуружларда иштирок этишларига эришиш ниятида эканлигини яширмаяптилар. Ҳозирча фақат М. Тетчергина ушбу масалада Токиода «президент Рейган билан бир ёқадан бош чиқариб» иш кўришига аниқ равшан шама қилди.

● Франция савдо-саноат доираларининг органи «ЭКО» газетаси Токиодаги учрашувга кўрилаётган тайёргарликка тўхталиб, Ғарбий Европа мамлакатларининг энг муҳим халқаро проблемаларга ёндашувидаги ихтилофлар ва қаттиқ мунозараларга сабаб бўлувчи жиддий тафовутларни қайд этди.

Рейганнинг Осиёга сафари бошланганлиги муносабати билан Япония матбуоти қуйидагиларни ёзади: Филиппинда Америка ҳарбий базаларини сақлаб қолиш ва Япония ҳамда Жанубий Корея иштирокидаги «регионал мудофаа ташаббуси» деб аталмиш ташаббусни рўёбга чиқариш масалалари Рейган олиб борадиган музокараларнинг диққат марказида бўлади. Вашингтондагилар ана шу ташаббусни «стратегик мудофаа ташаббуси» программасига «Осиё қўшимчаси» деб тасаввур қилмоқдалар. Ҳар иккала ҳолда ҳам деб уқтиради «Майнити» газетаси, Рейган шу регионга «совет хавфи кучаймоқда» деган гапларни рўкач қилиб, мазкур мамлакатларга тазйиқ ўтказади.

● Франциянинг «Юманите» газетаси Гаитида Дювалье диктаторлик режими қурбонларининг хотирасига бағишланган тинч намойиш ўққа тутилганлигини хабар қилиб, мана шу шафқатсиз террор мамлакатда америкапараст ҳукмдор қочиб кетгандан кейин ҳеч нарса ўзгармаганлигидан далолат беради, чунки унга яқин кишилар ҳокимият тепасига чиқиб олишган, деб таъкидлайди.

(ТАСС, 28 апрель).

## КЕНГАШ ТУГАДИ

ГАВАНА. Лотин Америкаси иқтисодий системасига бағишланиб Доминикана Республикаси пойтахтида ўтказилган амалий кенгаш Кариб ҳавзаси ва Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқни интеграциялаш ва ривожлантириш программасини қабул қилиш билан тугади. Кенгаш қарорларида региондаги мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш кўзда тутилади. Бу қарорлар мавжуд қийинчиликларни биргаликда куч-ғайрат сарфлаб бартараф этишга қаратилгандир. Уларнинг амалга оширилиши регионал проблемаларни ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

**ГФР. Ваккерсдорф шаҳрида ядро чиқитларини қайта ишлаш бўйича корхона қурилиши бошланди. Шаҳарда АҚШ ва НАТОнинг агрессив йўли, ГФРнинг Американинг космосни милитаризациялаш планларига қўшилишига қарши катта норозилик намойиши бўлиб ўтди. Полициянинг кучайтирилган нарядлари намойишчиларни тарқатиб юборишга ташланди. Намойишчилар орасида қамоққа олинганлар бор. Суратда: Ваккерсдорфдаги норозилик намойиши иштирокчилари.**
ЕПА—ТАСС телефотоси.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ТОКИО. Бу ерда «Ядро қуролидан ҳоли ҳукумат учун курашувчи жамият» тузиш юзасидан ташкилий комитет ишлай бошлади. Жумладан, ядро урушининг олдини олиш, тўла ва батамом ядровий қуролсизланиш учун кураш — жамиятнинг асосий вазифаларидандир. Ташкилий комитет составидаги таниқли жамоат арбоблари ва олимларидан юзга яқин киши мамлакат ҳукуматининг Япония ядро қуролидан ҳоли статусига оғишмай риоя этишига, мамлакат аҳолисининг чинакам миллий манфаатларига мос бўлиб тушадиган сиёсат ўтказишига ва Америка маъмуриятининг космосда ядро қуроллари пойгасининг янги босқичини авж олдиришга қаратилган йўлини сўзсиз қўллаб-қувватлашдан воз кечишига эришиш ниятидадир.

БУЭНОС-АЙРЕС. Парагвай пойтахтида «Йўқолсин стреснер диктатураси» деган шиор остида медицина ходимларининг кўп минг кишилик намойиши бўлиб ўтди. Оқ халатли намойишчиларга қўшилган ишчилар, хизматчилар ва студентлар ҳам оппозицияга қарши жабр-зулм қилинаётганлигини қораладилар. Намойишчилар мамлакатда демократиянинг тикланишини, қашшоқлик ва ишсизликни тугатиш чоралари кўрилишини талаб қилдилар. Диктатура бошлиғининг буйруғи билан намойишчиларга қарши полициячиларнинг катта бўлинмалари сафарбар этилди. Полициячилар қурол-яроғларни, кўздан ёш оқизадиган гранаталарни ва таёқларни ишга солдилар. Парагвай шифокорлари полициячиларнинг ваҳшийликларига қарши норозилик билдириб 24 соатлик забастовка ўтказажакларини эълон қилдилар.




## «ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА БИРДАМЛИК»

● РИМ. Италиянинг шимолидаги Комо шаҳрида Европа шаҳарлари мэрларининг «Тинчлик йўлида бирдамлик» мавзуида биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Италиядаги 19 шаҳар ҳамда чет эллардаги 18 пойтахт ва шаҳар намояндалари, шу жумладан Ленинград ва Киевдан келган делегациялар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Европа шаҳарлари тинчлик ва қуролсизланиш учун, халқлар ўртасида бирдамликни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун курашга катта ҳисса қўшишлари лозим, дейилади ўзининг антифашистик, демократик анъаналари билан машҳур бўлган Комо шаҳри муниципалитети конференция қатнашчиларига йўллаган мурожаатномада.

(ТАСС, 28 апрель).

